*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2008 йил 22 апрель • сешанба • № 18 (577) • e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

• Адлия вазирлигида:

## ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ







**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти" мавзуида ўқув-семинар ўтказилди. Унда вазирлик марказий аппарати ҳамда ҳудудий бошқармалари ва тизимига кирувчи муассасаларида Ахборот хизматига бириктирилган ходимлар, "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетасининг жойлардаги мухбирлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг маъсул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад, бугунги кунда марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган адлия тизимига оид материалларнинг сифатини яхшилаш, тизимда Ахборот хизматига бириктирилган ходимлар малакасини ошириш ҳамда республика ОАВлари ходимлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Семинар кун тартибига кўра **"Қонун ҳужжатларини кенг тарғиб этишда ОАВ роли", "Тизим фаолиятини телевидение ва радио орқали ёритиш усуллари", "Ҳуқуқий мавзудаги материалларнинг газеталарда сифатли ёритилишида журналист маҳорати"** мавзулари юзасидан тажрибали экспертларнинг маърузалари тингланди.

Шунингдек, тадбир давомида Вазирлар Маҳкамасининг **"Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда **"Ўзбекистон Республикаси ОАВлари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"**-ги қарорлари ижроси юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, 2008 йилнинг 1-чораги давомида Адлия вазирлиги томонидан жами 2061га яқин оммавий ахборот воситалари орқали ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. Мазкур кўрсаткичларни 2007 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирадиган бўлсак, ОАВ орқали ёритилган материаллар 245 тага ошганлигига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга тизимда амалга оширилаётган тадбирларни вазирлик интернет сайтига жойлаштириш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Мазкур тадбирда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳал этилиши лозим бўлган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, тайёрланаётган материалларнинг ҳаммаси ҳам мазмун ва сифат нуқтаи назаридан етарли даражада мукаммал эмаслиги, аксарият мақолаларда чуқур таҳлил етишмаслиги танқид остига олинди.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш, адлия идораларининг марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланишини йўлга қўйиш, тизим ҳаёти билан боғлиқ материалларнинг мазмундорлигини янада ошириш юзасидан мутахассисларнинг тавсиялари берилди.

Анжуман сўнгида 2008 йилда адлия идоралари ходимлари учун ўтказилиши кутилаётган "Энг яхши телелавҳа", "Энг яхши мақола", "Энг яхши радиоэшиттириш" ва "Энг яхши Интернет материали" учун танлов эълон қилинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

## Тизим тадбирлари

**Навоий вилояти адлия бошқармаси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Навоий филиали ҳамкорлигида Навоий педагогика коллежида ўтказилган давра суҳбати "Ёшлар ва жамият" дастури асосида "Ёшлар йили" муносабати билан унинг моҳияти ва амалий аҳамиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш ва ёшлар муаммоларини ўрганиш масалаларига бағишланди.**

### ЁШЛАР ВА ЖАМИЯТ ИСТИҚБОЛИ

"Демократик янгиланишлар даври: ёшлар давлат эътиборида" деб номланган мазкур тадбирдаги маърузаларда демократик янгиланишлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг моҳияти, ёшларга оид давлат сиёсати асослари, ёшлар ва маънавият масалалари ҳамда ёшлар билан ишлаш, замонавий тажрибалар, муаммолар ва ечимлар тўғрисида батафсил фикр юритилди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, "Норбулоқ" МФЙдаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси адлия идораларининг роли", "Ёшлар йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар**

### ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**ҳамда Солиқ кодексининг янги таҳрири мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан семинар-йиғилиш ўтказилди.**

Унда суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш каби вазифаларни амалга оширишда адлия идораларининг роли хусусида батафсил тушунтирилди.

**Эгамберди КАРИМОВ,**
**Нуробод тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси**

**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Олот туманида сайёр семинар-йиғилиш ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси ва уларга асосан қабул қилинган ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 22 апрелда рўйхатда олинган "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари ва иш юритиш тартиби ҳақида"ги йўриқноманинг аҳамияти тўғрисида маъруза қилинди.

### ОИЛА МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Шунингдек, "Ёшлар йили" Давлат дастури моҳияти, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фарзандликка олишни расмийлаштиришда норматив ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши ва бу борада амалиётда учраётган муаммолар, тиббий кўрикдан ўтмасдан турмуш қуриш каби салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари юзасидан фикрлашиб олинди.

**Феруза БОЗОРОВА,**
**Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Поп тумани Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — ҳаётимиз кафолати"** мавзуида коллеж талабалари билан учрашув ўтказилди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси, Поп тумани

### ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

ҳокимлиги, туман прокуратураси, жиноят ишлари бўйича туман суди, ФҲДЁ бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган учрашувда маърузачилар ўз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

**Нодира ЖАЛОЛОВА,**
**Поп тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

**Тошкент вилояти адлия бошқармасининг вилоят табиатни муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоят "Камолот" ЁИҲ кенгаши ходимлари ва туман, шаҳар маҳалла фаоллари иштирокида табиатни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мавзуига бағишланган семинар-машғулоти бўлиб ўтади. Тадбирда она сайёрамизда экологиянинг бузилиши оқибатида келиб чиқиши муқаррар бўлган салбий ҳолатлар ҳақида қизғин фикр-мулоҳазалар юритилди.**

### ОЛАМНИ АСРАНГ

Сўзга чиққанлар аҳоли ўртасида экологик маданиятни кенг шакллантириш, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш ватанпарварлик тамойилларини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

**Мансур ВАҲОБОВ,**
**Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан Балиқчи тумани ҳокимлигида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳаётимиз кафолати" мавзуида йиғилиш ўтказилди.**

### ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ

Унда мустақил давлатимиз ҳуқуқий тизимининг шаклланишига асос бўлган ва жамиятдаги барча муносабатларни демократик тарзда тартибга солувчи Бош Қомусимизнинг дунёдаги энг ривожланган давлатларнинг тарихий тажрибаси, жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда ишлаб чиқилганлиги, халқимизнинг руҳияти, миллий қадриятларини ўзида мужассам этганлиги таъкидланди.

Йиғилишда туман ҳокимлиги, Халқ таълими бўлими ва Хотин-қизлар қўмитаси ходимлари, "Камолот" ЁИҲ вакиллари ҳамда ўқувчилар иштирок этдилар.

**Камолиддин ЖАМОЛИДДИНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими**

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

### ҚОНУНИЙ БАҲО БЕРИЛАДИ

**Фуқаро М.Ҳидоятованинг ўғли С.Ҳидоятов асоссиз равишда Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "в,ж,п" бандлари билан айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририятига йўллаган аризаси жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судида кўриб чиқилди.**

С.Ҳидоятовнинг жиноят иши вилоят судида биринчи босқич тариқасида мазмунан кўрилмоқда, фуқаро М.Ҳидоятованинг аризасида келтирилган важлар суд муҳокамаси давомида тўла ва объектив равишда текширилиб, қонуний баҳо берилиши Сизга маълум қилинади.

**О.ТЎРАЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича вилоят судининг раиси вазифасини бажарувчиси**

### ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами Бош бошқармаси Жиззах вилояти, Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчаси, Сиддиқов кўча, 8/1-уйда яшовчи М.Абдуллаеванинг аризасини Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари ҳамкорлигида ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:**

Зарбдор тумани марказий шифохонаси гинекология бўлими мудири Т.Альмяшеванинг бемор М.Абдуллаевага нисбатан даволаш жараёнида хатоликларга йўл қўйганлиги аниқланди.

Шикоят аризани ўрганиб чиқиш натижаларига кўра, М.Абдуллаевани зарурий текширувлардан ўтказмасдан ва шифохонада қайд этмасдан муолажалар қилганлиги учун гинекология бўлими мудири Т.Альмяшева Зарбдор тумани марказий шифохонаси буйруғи билан лавозимидан озод этилди, Бўстон тумани шифохонасининг акушер-гинекологи Х.Ҳамидовага операциядан кейинги ҳолатини кузатиб бормаганлиги учун "ҳайфсан" интизомий чораси қўлланилди.

**В.АЛИМОВА,**
**Даволаш-профилактика ёрдами Бош бошқармаси бошлиғи**

• Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

## ТОШКЕНТ ФАВВОРАЛАРИ

**Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, дастлаб фаввораддан ичимлик сувини тозалаб берувчи восита сифатида фойдаланиб келинган, кейинчалик эса, шаҳар майдонлари, сарой ва боғларни безаш, ҳавони салқинлаштириш воситаси сифатида қўлланилган.**

Ўрта Осиё миқёсида фаввораларнинг қурилиши XIV-XV асрларга тўғри келади. Соҳибқирон Амир Темур боғларига ишланган фаввоpалар ҳақида ёзма маълумотлар сақланган. Бу фавворaларга сув махсус мосламалар, сопол қувурлар ёрдамида олиб келинган. Юқори босим билан отилиб чиққан сув, ҳовузларга тушиб, ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиққан. Низомийнинг "Хамса", Бобурнинг "Бобурнома" асарларига ишланган миниатюраларда ушбу фавворaларнинг намуналари акс эттирилган.

Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳридаги илк фаввора 1890 йилда бунёд этилган. Ўша даврда чор амалдорларидан бирининг ҳовлисида барпо этилган ушбу фаввора ҳозир ҳам Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи ҳовлисига кўрк бағишлаб турибди.

Шунингдек, Тошкентнинг театр майдони ёнида жойлашган фаввора 1947 йилда қурилган. Мустақиллик майдонидаги кўзни яшнатувчи фаввора эса 1970-1974 йилларда қуриб битказилган. Улар ҳали-ҳануз ажойиб манзарали мураккаб муҳандислик иншооти ҳисобланади.

Бугунги кунда Ватанимиз пойтахтида 60 дан ортиқ турли услубларда бунёд этилган фавворалар мавжуд. Масалан, пойтахтдаги Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театри майдони, "Интерконтиненталь" меҳмонхонаси, Хадра майдони, Дархон мавзесидаги "Ғарбий соҳил савдо мажмуаси"нинг рангли фавворалари кечки пайт ёки саратоннинг чилласида пойтахтликлар ва пойтахт меҳмонларига олам-олам завқ-шавқ улашади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида пойтахтимизда ўнлаб янги, замонавий лойиҳалар асосида қурилган фавворалар бунёд этилди, шу билан бирга эскилари қайта таъмирланиб, жаҳон андазаларига мослаштирилди ва замонавий кўриниш касб этди.



Маълумки, замоний фавворалар фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилмоқда. Кеч тушганда улар ҳаракатдаги рангли нурлар ёрдамида ёритилади. Бундан ташқари, сувнинг шарқираб оқиши мусиқий оҳанглар билан мувофиқлаштирилади. Бу эса ўз навбатида фавворанинг ёнидан ўтаётган йўловчиларга олам-олам завқ улашади.

Бир сўз билан айтганда, шарқираб кўкка отилаётган фавворанинг товушини боланинг беғубор овозига қиёслаш мумкин. Шундай экан, фавворaларнинг жонли мусиқасини юрт тинчлиги, тўкинлиги ва осойишталиги ҳақида ёзилаётган янги асарга ўхшатиш мумкин.

Бизнинг тилагимиз: юрт осойишталигидан дарак бериб турган фавворалар мусиқаси ҳеч қачон тинмасин!..

**Дилфуза ЭРГАШЕВА**

• 2008 йил — "Ёшлар йили"

# КЕЛАЖАКНИНГ, МИЛЛАТНИНГ ТАҚДИРИ

**Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни маънан етук ва жисмонан соғлом руҳда тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган кенг миқёсли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.**

Президентимизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорида **"...Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш..."** биринчи галдаги вазифа қилиб белгиланган эди.

Шу жиҳатдан, яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг **"Вояга етмаган шахсларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонуни вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва болалар жиноятчилигига қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ушбу Қонун билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Оила кодекси ҳамда "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи моддаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (тегишинча 127 ва 188, 188[1]-моддалар) катта ёшдаги шахсларнинг вояга етмаганларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарликни ошириб, бу каби жиноятлар ҳамда бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг "Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик" деб номланган 122-моддаси ушбу жиноятни хавфли рецидивист томонидан содир этилиши учун жавобгарлик белгиловчи иккинчи қисм билан тўлдирилдики, бу моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан, яъни алимент тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни кучайтиришга хизмат қилади.

Амалиётда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда давлат ва жамият ёрдамига муҳтож болаларнинг барчаси васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан, аксарият ҳолларда ушбу болаларнинг қариндошлари мурожаатларига асосан аниқланмоқда, бироқ бу тоифадаги болалар ҳақидаги маълумотга эга бўлиши мумкин бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш ва ички ишлар органлари, шунингдек, тиббий ва болалар муассасаларининг мансабдор шахслари томонидан васийлик ва ҳомийлик органларига камдан-кам ҳолатларда хабар берилган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаганлик учун жавобгарлик белгиловчи тегишли модда билан (471-модда) тўлдирилди. Бундан ташқари, Оила кодексининг 149-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 13-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тегишли муассасаларнинг (таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари, даволаш муассасалари ва ҳоказо) фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш борасидаги ваколатлари ҳамда масъулиятини аниқлаштирди.

Халқимизнинг ҳавас қилгулик бир одати бор: яхшиликка йўналтирилган бирорта хайрли тадбир бошланса, ҳамма ўзига яраша ҳисса қўшишга, элнинг юкини енгиллатишга интилади.

Зеро, ёшлар тақдири — келажакнинг, миллатнинг тақдири. Келажакни ўз орзу-умидларига, эзгу ниятларига муносиб тарзда қуриш, албатта, ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Нурия ШОҲНАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-давлат нотариал идораси давлат нотариуси**

## Тизим тадбирлари

**Бағдод туманидаги "Назокат-Нафис" ўқув марказида "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — бахтимиз қомуси" мавзуида ҳамда Юртбошимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

### ЎҚУВ МАРКАЗИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Вилоят адлия бошқармаси томонидан уюштирилган ушбу тадбирда маърузачилар иштирокчилар ва журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

**Фарруҳ АМАНОВ,**
**Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Бухоро вилояти адлия бошқармаси Жондор тумани ҳокимлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 июндаги "ОИТС билан касалланишнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳияти юзасидан семинар-йиғилиш ўтказди.**

### АНИҚ ФАКТЛАР АСОСИДА

Кун тартибидаги масала юзасидан сўзга чиққанлар ОИТСнинг келиб чиқиш сабаблари, тарқалиши ва унинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида аниқ фактларга асосланиб фикр юритдилар.

Семинар-йиғилиш якунида мавзулар юзасидан қатнашчилар ўзаро фикр алмашдилар.

**Валижон ЮСУПОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Миришкор тумани ҳокимлигида ўтказилган семинар Вазирлар Маҳкамасининг "Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти"га бағишланди.**

### МУНОЗАРА РУҲИДА ЎТДИ

Семинарда сўзга чиққан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларнинг бошқа шахсларга берилиши юзасидан нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, ҚФЙлар томонидан баъзи нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиш тартиби тўғрисида маълумотлар беришди.

**Рисолат АБДУЛЛАЕВА,**
**Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Хоразм вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Қўшкўпир туманида ўтказилган амалий семинар долзарб масала — Президентимизнинг "Татбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги 2006 йил 24 майда қабул қилинган Қарори ижросига бағишланди.**

### ҚАРОР ИЖРОСИ

Унда Президент Қарори ижросини намунали ташкил этиш билан боғлиқ бир қатор масалалар кун тартибига қўйилди. Қарорнинг мазмун-моҳияти, уни қўллаш, амалиётга татбиқ этиш, ижро тадбирларини амалга ошириш тартиб-қоидалари аниқ-равшан баён этилди. Галдаги ишлар, режалар, вазифа ва муаммоларни изчил бартараф этиш йўқ-йўриқлари белгилаб олинди.

**Илҳом ТЎРАЕВ,**
**Хоразм вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

**Жиззах вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Жиззах тумани ҳокимлигида адлия вазири томонидан тасдиқланган "Аҳоли ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари" режаси ижросини таъминлаш юзасидан "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатлар ва уларни амалга оширишнинг асосий қоидалари мавзуида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.**

### НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР

Унда тумандаги ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, мактаб директорлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда фермер хўжалиги раҳбарлари иштирок этди. Улар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Абдулла РАВШАНОВ,**
**Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходими**

**Маълумки, гиёҳвандликнинг инсоният генофондига солаётган хавфи бугуннинг долзарб муаммоси. Бу офатга қарши курашишни ҳар бир инсон ўзининг инсонийлик бурчи деб билмоғи керак.**

### ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ

**"Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"**ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар унга қарши курашишнинг қонуний асосларидан. Ушбу қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тушунтириш, тарғибот қилиш ҳуқуқ-тартибот идоралари олдидаги вазифалардан биридир.

Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида бўлиб ўтган тадбир юқоридаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятига бағишланди.

**Аброр БЕРДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида имзоланган 2008 йил давомида Тошкент шаҳар коллеж ва академик лицейларида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари режасига асосан жойларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.**

### ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Яқинда Адлия вазирлиги ва тизимга кирувчи идоралар ходимлари иштирокида Тошкент автомобиль йўллари институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейларда, Тошкент саноат коллежида, Тошкент темир йўллар коллежи ҳамда Меҳр-шафқат коллежида давра-суҳбатлари ўтказилди. Унда асосий эътибор **"Ёшлар йили"** Давлат дастури мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини янада оширишга қаратилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

• Талаба мушоҳадаси

# МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИ

## уни қай даражада биламиз?

**Конституциямизнинг 35-моддасида фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, унда "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга", деб кўрсатилган. Бу борада "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун мурожаат қилишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.**

Фуқароларнинг ҳуқуқий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги қонунга кўра, мурожаат қилиш оғзаки ва ёзма шаклда ҳамда ариза, шикоят ва таклиф кўринишларида бўлиши мумкин. Ариза ёки шикоятлар масалани ҳал этиши керак бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан 1 ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ёки шикоятлар эса 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Фуқаронинг ариза, шикоят ва таклифдаги истаклари тегишли мутасадди ташкилот ва органлар томонидан асоссиз равишда кўриб чиқилмаса (ҳал этилмаса), бундай ҳолда фуқаро судга ёзма тартибда мурожаат қилишга ҳақли. Хусусан, ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) билан ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга ("Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1-модда). Ноқонуний хатти-ҳаракатларга фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузган; фуқаронинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга монелик туғдирган; фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) киради.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан амалга ошириладиган мурожаатларнинг бажарилишини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик назарда тутилган (Жиноят кодекси, 144-модда).

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераккки, ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда қанчалар имтиёзлар берилмасин, бунинг амалга оширилиши шахснинг ўзига боғлиқ. Ҳар бир фуқаро ўз эрки ва виждонидан келиб чиқиб, ҳаёти мобайнида юзага келадиган муаммоларга холисона баҳо бериб, уни бартараф этиш борасида ўзи ташаббус билан чиқмоғи лозим. Фуқароларнинг мақсадларини кўзлаб қонунчилигимизда яратилаётган барча меъёрлар биз учун асос. Шу асосга ҳуқуқий иморат қуриш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиши керак.

**Абдулбосит НУРМАТОВ,**
**НамДУ талабаси**

## ЭЪЛОН!

**Тошкент Давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:**

1. "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси доценти — 1.
2. "Жисмоний тарбия" кафедраси мудири — 1, ўқитувчи — 1.
3. "Давлат ва ҳуқуқ тарихи" кафедраси ўқитувчиси — 1.
4. "Экология ва қишлоқ хўжалиги" кафедраси мудири — 1, катта ўқитувчи — 1.
5. "Факультетлараро ижтимоий гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси — 1, ўқитувчи — 1.
6. "Ўзбек ва рус тиллари" кафедраси мудири — 1, катта ўқитувчи — 1.
7. "Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи" кафедраси ўқитувчиси — 1.
8. "Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар" кафедраси ўқитувчиси — 1.
9. "Халқаро ва қиёсий ҳуқуқ" кафедраси мудири — 1.
10. "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" кафедраси катта ўқитувчиси — 1, ўқитувчи — 1.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати.

**Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона.
**Телефонлар:** 236-09-39, 233-66-36

• Надомат

**Таҳририятимизга Самарқанд вилояти, Ургут тумани, "Янгиариқ" ҚФЙига қарашли "Чеп" қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар томонидан шикоят-ариза келиб тушди. Унда журналист суриштируви орқали маҳаллада юз бераётган воқеа-ҳодисалар ўрганилиб, холис фикрлар матбуотда эълон қилинишини сўрашган. Газетамиз мухбири вилоятда хизмат сафарида бўлиб, Жиноят ишлари бўйича Ургут тумани судининг 2008 йил 31 март кунги ҳукми асосида мақола тайёрлаб қайтди.**

# ЭЛ РИЗҚИНИ "ТУЯ" ҚИЛДИ

Ариза-шикоятда ҳозирда иш фаолиятини олиб бораётган маҳалла раисаси Турсун Қаюмованинг ақлга сиғмас хатти-ҳаракатларининг баёни келтирилади. "Маҳалламизга Т. Қаюмова 15 йилдан буён раислик қилиб келади. Меҳнат фаолияти давомида маҳалламиз, қишлоғимиз кўпгина соҳалар бўйича замондан ортда қолиб кетди. Маҳаллада ҳеч қандай маданий-маърифий, ободонлаштириш ишлари, гарчи, қурилиш материаллари етарли даражада бўлганда ҳам амалга оширилмади. Аксинча, миллиардлаб сўмга арзийдиган, ҳали ишга туширилмаган товуқхона, 2 та ёзги клуб, 2 та ферма молхонаси бузиб ташланиб, талон-торож қилинди..."



Суд ҳукмида қайд қилинишича, 2005 йилнинг февраль ойида Шаҳзода Қодирова 16 ёшга тўлмаган 3 нафар фарзанди учун нафақа пули олиш мақсадида ҳужжатларни тўғрилаб маҳалла раисига олиб келади. Раис унга ҳозир навбат йўқлигини, имкони бўлса тўғрилаб беришини айтиб ҳужжатларни олиб қолади ва бир неча ойдан сўнг иложи бўлмаганлигини рўкач қилиб, ҳужжатларни қайтариб беради. Аслида эса тергов жараёнида шу нарса маълум бўлдики, 2005 йилнинг 8 ойи давомида Шаҳзода Қодировага 3 нафар фарзанди учун нафақа пули тайинланиб, раиса томонидан гум қилинган.

Дилноза Бозорова эса 2006 йилнинг август ойида 2 ёшгача бўлган боласи учун нафақа пули олиш илинжида маҳалла раисасига ҳужжатлар топширади. Турсун Қаюмова ёрдам беришини айтиб, ҳужжатларни олиб қолади. Тергов жараёнида бу ҳам ошкор бўлди. Яъни 2005-06 йил давомида жами 156.163 сўм миқдоридаги нафақа пули қалбаки имзолар билан ўзгага ўтиб кетганлиги маълум бўлди.

Маҳалла раиси имзоларни қалбакилаштириш ва ҳатто сохта паспорт серия рақамларини ҳам тўлов ведомостларига туширишдан тап тортмади. Чунончи, Баҳринисо Бобоева ўғли Сардор Ҳусановга икки ёшга тўлгунича нафақа пули олиш учун барча ҳужжатларни расмийлаштириб, маҳалла раисига олиб келганда, раиса "турмуш ўртоғинг ишлайди, ойлик иш ҳақи етарли", деб уни қайтариб юборганди. Аммо тергов давомида Баҳринисо ўғли учун 2005 йил январь — июль ойларида жами 86.190 сўм нафақа пуллари чиққанлигига, энг ажабланарлиси эса ведомостлару, касса чиқим ордерларидаги имзолар уники эмаслиги ва ҳатто паспорт рақамлари ҳам бошқа эканлигини кўриб, лол қолди.

Эл ризқини ўмаришдан, гўдакларнинг, норасида болаларнинг ҳақларини ейишдан тап тортмаган маҳалла раиси фақатгина бу билан чеклаган эмас. У ҳатто бирор-бир расмий ҳужжатлари бўлмаган гўдакларнинг номига ҳам пул ўзлаштирганига нима дейсиз? Гулбаҳор Қаҳҳорова суд мажлисида Тожикистон Республикаси фуқароси эканлиги, 1990 йилда Ургут тумани "Чеп" қишлоғига кўчиб келганлиги, 1998 йили турмушга чиқиб фарзандли бўлгандан сўнг, 2005 йилнинг декабрь ойида туғилган фарзандига нафақа пули тайинлашни сўраб мурожаат қилганлигини, ундан раиса никоҳ гувоҳномасини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспорти бўлмаганлиги сабабли нафақа пули чиқмаслигини айтгандан сўнг қайта мурожаат қилмаганлигини айтади. Аммо тергов жараёнида ўша фарзандига ҳали туғилмаган даврлари учун ҳам, яъни 2005 йил март ойидан 2006 йил январь ойига қадар жами 179.670 сўм чиққанлиги маълум бўлди. Ва бу пул ҳам сохта имзолар билан ўзлаштирилган.

Деярли худди шундай ҳолат Дилфуза Жабборова билан ҳам содир этилган. 1992 йил Тожикистон Республикасидан Ургут туманига келин бўлиб тушган Дилфуза 2005 йилда турмуш ўртоғи вафотидан сўнг фарзандларига нафақа пули тайинлашни сўраб "Мирзабағлон-Чеп" маҳалла фуқаролар раисига мурожаат қилади. Маҳалла раиси унга "Сен Тожикистон фуқаросисан, сенга нафақа пули тайинланмайди", деб қайтариб юборади. Аслида маҳалла қўмитаси томонидан унинг номига нафақа пули тайинланиб, 2005 йил октябрь - декабрь ойларига ҳамда 2006 йилнинг январь - март ойларига жами 98.700 сўм ўзлаштирилади.

"Чеп" қишлоғида маҳалла раиси томонидан амалга оширилган бу каби "ишлар"ни яна давом эттириш мумкин.

Ҳеч бир қинғир иш беиз кетган эмас. Ҳар бир жиноят, албатта, жазосини олган. Жиноят ишлари бўйича Ургут тумани суди ўз ҳукмини ўқиди. Унга кўра, жабрланувчилар фойдасига жами 2.481.303 сўм ундирилиши белгиланди.

**Аслиддин СУЮНОВ**

**Ҳазрат Шайх Аббос Валий шажараси пайғамбаримиз амакиси Аббосга бориб тақалади. У милодий 732 йилда Арабистонда туғилиб, 40 ёшида онаси билан бирга Хоразм, аниқроғи, Катга кўчиб келади ва бу ерда ўткир салоҳиятли қори сифатида ном қозонган.**

• Афсус

# ТАБАРРУК ТУПРОҚНИ ТОПТАГАНЛАР

Беруний тумани прокуратураси томонидан туман ҳудудида ердан фойдаланиш тартибини белгиловчи қонуний меъёрлар "Ер кодекси"нинг ижроси юзасидан ўтказилган мониторингда "Шайх Аббос бобо" масжиди ҳудудида рўй бераётган бир қатор қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Гап шундаки, туман ҳокимининг 1997 йил 3 ноябрь кунги қарори билан "Радуга" кооперативига Тўрткўл шоҳкўчасида жойлашган эски ёғоч-тахта базаси ўрнидан кичик ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 25x50=1250 м² ер майдони ажратиб берилган. Аммо Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси, 10-бандида **"Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун берилган ер участкаларидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида"**, ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари бекор қилиниши кўрсатилган. Шуларга асосланиб, кооператив томонидан цех ишга туширилмаганлиги сабабли туман ҳокимининг 1999 йил 5 апрель кунги қарори билан "Радуга" кооперативи фаолияти тугатилиб, ўрнига "Туркистон" хусусий корхонаси ташкил этилди. Аммо ажабланарлиси, ушбу қарорда "Радуга" кооперативи ер майдони "Туркистон" кичик корхонасига ўтказилганлиги ҳақида умуман қайд этилмаган.

Ушбу ҳудудда яна бир қанча нохуш ҳолатлар кузатилганки, бу иймон-эътиқодли кишилар кўнглини ранжитиши тайин. Берунийлик Ю.Кенжаев ҳам чойхона қуриб, тадбиркорлик қилиш мақсадида туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат этди. Орадан кўп ўтмади. 2004 йил 9 февраль куни унга 80.0 м² ер майдони ажратилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Ишлар бошланиб, гўё ҳаммаси рисоладагидек эди.



Аммо туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширув жараёнида тадбиркорликнинг "антиқа" йўлини танлаган Ю.Кенжаевнинг қилмишлари фош этилди. Буни қарангки, чойхона қуриб битказилгач, бу ердан ҳеч қандай ҳужжатларсиз ошхона ва турар жой сифатида фойдаланган, бунинг устига "Шайх Аббос бобо" масжиди ҳудудига ўзбошимчалик билан оғилхона ва бошқа қурилишлар қилингани аниқланди.

Содир этилаётган қонунбузарлик ҳолатлари буларгина эмас. Туман ҳокимининг 2006 йил 17 июль кунги қарори билан У.Аллабергенов ва Ф.Султоновларнинг ҳар бирига хусусий дўкон қуриш учун 50.0 м² ер майдони ажратилган. Айни пайтда қурилиш ишлари якунланган, аммо тадбиркорларимиз "Шайх Аббос бобо" масжидининг зиёратгоҳ эканлигини "унутиб", қабристон ҳудудига ўзбошимчалик билан даҳлиз қурганлигига нима дейиш мумкин?

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг №126, 127, 128,129-сонли давлат ордерлари билан тадбиркор А.Бўранбаевга К.Нуримбетов кўчаси ("Шайх Аббос бобо" масжиди ёни)дан 80,0 м² ерга эгалик қилиш ҳуқуқи берилган. Айни пайтда тўртта дўконнинг қурилиш ишлари амалга оширилган, бироқ бу ерда ҳам юқоридаги каби ноқонуний ҳолатларга йўл қўйилган.

Мазкур қонунбузарлик ҳолатларига асосланиб, туман прокуратураси "Радуга" кооперативига цех қуриш учун ер майдони ажратилиши ҳақидаги туман ҳокимининг 1997 йил 3 ноябрь кунги қарорини бекор қилиш ҳақида протест келтириб, фуқаролар Ю.Кенжаев, У.Аллабергенов, Ф.Султонов ва А.Бўранбаевларга нисбатан ЎзР МЖтКнинг 60-моддаси билан маъмурий иш қўзғади.

Суд томонидан уларга нисбатан тегишлича жазо тайинланди.

Муқаддас зиёратгоҳлар ва қабристонлар озодалиги, марҳумлар хотирасини улуғлаш миллий қадриятларимизга бўлган эътибор ифодасидир. Буни ўз манфаати йўлида "унутмоқчи" бўлган айрим кимсалар ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун албатта қонун олдида жавоб берадилар.

**Мирзааҳмад АЙМАНОВ,**
**Беруний тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси,**
**Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,**
**журналист**

# БУГУН — ХАЛҚАРО ОЛАМНИ АСРАШ КУНИ

● Хавотир

**Бугун дунё матбуотида энг шов-шувли мавзулардан бири, шубҳасиз, иқлим ўзгариши ва бу жараённинг келажак оқибатлари тўғрисидаги башоратлар бўлиб қолди десак, муболаға бўлмайди. Ер ҳароратининг кўтарилиши натижасида абадий музликлар эриб, денгизларнинг сатҳи аста-секинлик билан бўлса-да, кўтарилмоқда. Бунинг оқибатида одамлар бир жойдан иккинчи жойга кўчишга мажбур бўлиши, унумдор ерларнинг шўрланиши, чучук сув захираларининг камайиши ва энг хавфлиси, юқумли касалликлар урчиб кетиши мумкин. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган расмий хабарларга кўра, иқлимнинг ўзгариши натижасида 2010 йилга бориб, ҳар куни 150 минг киши нобуд бўлиши мумкин экан.**

### ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1. 1992 йил 9 декабрь
   *"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.*
2. 1993 йил 6 май
   *"Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.*
3. 1996 йил 27 декабрь
   *"Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.*
4. 1997 йил 26 декабрь
   *"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.*
5. 1998 йил 30 апрель
   *"Ер кодекси" қабул қилинди.*
6. 1999 йил 15 апрель
   *"Ўрмон тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.*

● Биласизми?

**Ҳозирги пайтда дунёдаги йиллик чучук сув захирасининг тахминан 55 фоизидан фойдаланилади. Шундан ер ости ва дарё сувларининг 70 фоизи суғориш ишлари учун, 20 фоизи саноат эҳтиёжларига, 10 фоизи маиший эҳтиёжларга сарфланади.**

**Агар сувга бўлган талаб шу тарзда сақланиб қолса, фақатгина аҳолининг ўсиши ҳисобига ҳам чучук сув захираларидан фойдаланиш даражаси 70 фоизгача ўсиши мумкин. Сувга бўлган талаб бундан-да ортса, аҳвол янада мураккаблашади.**

## ИҚЛИМ ЎЗГАРАЁТГАН ЭКАН

### олимлар унга мослашиш кераклигини таъкидлашмоқда

Олимларнинг илмий тахминлари ҳам бундан қолишмайди. Шимол осмонида ҳосил бўлган даҳшатли "қора туйнук"-ни эсланг. Яқинда бир нуфузли олим "Ер шари икки томонга чўзилиб, аста-секин қовун шаклига кирмоқда", деб ёзди. Бошқа бир тадқиқотга кўра, Қуёшнинг ҳам "соч-соқоли"га оқ оралаб қолган эмиш. Бор-йўғи яна тўрт миллиард йилдан кейин сўниб, кукунга айланармиш. Бунга ҳам ер юзида умргузаронлик қилаётган одамларнинг бугунги ҳаёт тарзини, хусусан, атроф-муҳит, атмосферанинг ифлосланишини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Кўтаринки руҳдаги башоратлар ҳам бор. Масалан, фалакиётчи бир олимнинг фикрича, Қуёш тизимидан ташқаридаги сайёраларда ҳаёт мавжуд бўлиши аниқ. Суви, ҳавоси тоза, иқлими мўътадил, чанг, ғубори йўқ, кимё заводлари ҳали қурилмаган бундай жойларда одамсимон жонзот камида минг йил умр кўриши мумкин экан.

Майли, бу тахминлар ўз йўлига. Аммо ҳаётда шундай ҳисоб-китоблар ҳам борки, улар илмий кузатув, жиддий таҳлил асосига қурилади. Ана шундай таҳлилларда айтилишича, она ер бағридан қазиб, кавлаб, сўриб, элаб, титиб олинаётган табиий бойликлар адоқсиз, битмас-туганмас нарсалар эмас. Саноат ривожи шу йўсинда ошиб борар экан, инсон нима қилиб бўлмасин, ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилади ва табиийки, вақти-соати келиб фойдали қазилмаларнинг таги кўринади.

Бу фикрга қўшилмайдиганлар, албатта, топилади. Негаки, ҳали аниқланмаган, аниқланган бўлса-да, фойдаланишга топширилмаган конлар жуда ҳам кўп. Аммо, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, деган гап бор. Аввали бўлган ҳар бир ишнинг охири ҳам бор, қазилма бойликлар, гарчи улар илоҳий неъматлар бўлса-да, ўлчамлидир.

Бундан англашиладиган хулоса шуки, ким қаерда ва қандай шароитда яшашидан қатъи назар, инсон зоти борки, табиатга эҳтиёткор муносабатда бўлиши керак, унинг ер ости ва ер усти бойликларини тежаш ҳар бир кишининг виждон ишига айлансагина бирор-бир натижага эришиш мумкин бўлади. Бутун дунёда чучук сув захиралари камайиб бормоқда. Ҳароратнинг кўтарилиши боис, кейинги 30-40 йил ичида биргина ён-атрофимиздаги тоғлардаги музликлар сезиларли даражада камайиб кетган. Инсон фаолияти туфайли атмосферага бир йилда неча миллиард тонна заҳарли моддалар кўтарилмоқда. Миллион йиллар давомида шаклланган об-ҳаво меъёрлари бузилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Аёвсиз тошқинлар, ёнғинлар, ер силкинишлари, бошқа табиий офатлар одамларни огоҳликка даъват этаётир. Бундай нохушликлар, аслида бизнинг ўринсиз, номақбул ишларимиз оқибатига ишора. Бу ишораларга бефарқ бўлсак, фақат ўзимизни, бугунги кунимизни, бугунги роҳатимизни кўзлаб иш тутсак, фалокат остонаси сари яқинлашиб бораверамиз. Шу боис, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эндиликда асосий вазифа инсоният ҳаётини янгича иқлим шароитига мослаштириш эканлигини алоҳида таъкидламоқда .

Иккинчи хулоса. Табиий бойликлар, илоҳий неъматлар фақат биз учун яратилмаган, улар биздан кейин келадиган, шу она заминда биздан кейин истиқомат қиладиган неча юз, неча минг-минг авлодларнинг ҳам ризқи, насибаси! Бизнинг бурчимиз бу бойликлардан баҳраманд бўлган ҳолда, уларни келажак авлодларга муносиб равишда қолдиришдан иборат. Келажак наслларни Орол мавжларидан бенасиб қилиб қўйганимизнинг ўзи фақат бизга эмас, бутун инсониятга сабоқ бўлиши керак.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**



## ИНСОНИЯТ ВА СУВ МУАММОСИ

### унинг қадри ҳаёт билан ўлчанади

Бугунги кунда дунёнинг 40 фоиздан зиёд аҳолиси ўртача ва кескин сув танқислиги мавжуд минтақаларда яшайди.

2025 йилга бориб дунё аҳолисининг учдан икки қисми, яъни 5,5 миллиард киши сув танқислиги муаммосига дуч келган минтақаларда яшаши тахмин қилинмоқда. Шу билан бирга ўша вақтда сайёрамизнинг 1 миллиард аҳолиси кескин сув танқислиги мавжуд бўлган мамлакатларда яшайди. Улар мева-сабзавот маҳсулотларини четдан импорт қилиб олишларига тўғри келади (бунинг имкони бўлса, албатта). Табиийки, 2050 йилга бориб сув танқислиги янада ортади.



Айни пайтда 1 миллиарддан кўпроқ одам тоза сув билан таъминланиш, 2,4 миллиард одам, яъни дунё аҳолисининг учдан бир қисми зарур санитария воситаларидан фойдаланиш имконига эга эмас.

Ҳар йили асосан ривожланаётган мамлакатлардаги 2,2 миллион одам сув сифатининг пастлиги, қониқарсиз гигиена-санитария шароитларига боғлиқ касалликлар туфайли дунёдан кўз юмади.

Сув сифатини ошириш ва санитария-гигиена шароитини яхшилаш ҳисобига ҳар куни дунёдан кўз юмаётган 6000 нафар бола ўлимининг олдини олиш мумкин.

Ўтган асрда сувдан фойдаланиш даражаси 6 марта, аҳолининг ўсиши 2 баробар кўпайди.

Чучук сув экотизимида интенсив инқироз ҳолати кузатиляпти. Дунё сув-ботқоқликларининг ярим миқдори атрофида, 10 000 га яқин чучук сув манбаларининг 20 фоиздан кўпроғи йўқолиб кетди.

Саноати ривожланган давлатларда ҳар бир кишига бир кеча-кундузда 380 литрдан (АҚШ) 129-130 литргача (Германия) сув сарфланиши кузатилса, ривожланаётган давлатларда бу миқдор бир кунда бир одамга 20-30 литрни ташкил этади. Булар эса инсонга зарур эҳтиёжлари учун етарли саналади. Одам бошига сув сарфининг энг қуйи кўрсаткичи овлоқ, хароба, чекка жойларда яшовчилар ҳиссасига тўғри келади. Яъни бир камбағал киши кунига 5-10 литр сув сарфлайди. Албатта, айнан шу ҳудудда сувга бўлган эҳтиёж 50-150 литр миқдоридадир.

2006 йилда Копенгагенда яшовчи ҳар бир одамга бир кеча-кундузда 185 литр, Москвада — 280 литр, Лондонда — 170, Парижда — 167 литр сув сарфлангани кузатилган.

Жаҳон жамоатчилиги, айниқса, чучук сувларни исроф қилмасликка ундаб келади. Дейлик, 3 миллиметр йўғонликдаги бузуқ крандан тизиллаб сув оқиб турса, бир кеча-кундузда 1 куб. метр сув йўқотилади.

**Дилором МАТКАРИМОВА тайёрлади.**

● Далил ва шарҳ

## ЯМ-ЯШИЛ ТАБИАТ

### меҳр ва парваришга муҳтож

**Атроф-муҳит ҳолати, глобал даражадаги муаммоларнинг келиб чиқиши халқаро ҳамжамиятни ўтган асрнинг 70-йилларидан жиддий ташвишга сола бошлади. Шу боис 1992 йил июль ойида Рио-де-Жанейрода (Бразилия) БМТ ҳомийлигида "Атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди ва "XXI асрга ташриф" номли дастур қабул қилинди. Ушбу конференция "Ер муаммолари бўйича олий даражадаги учрашув" номи билан тарих саҳифаларига битиб қўйилди.**

Анжуманда ўз уйимиз бўлган сайёрамизнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш учун глобал ҳамкорлик қилиш ва келишиб ишлаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида **"Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, чунки улар давлат муҳофазасидадир"** деб белгилаб қўйилган. Зеро, атроф-муҳитни муҳофаза этиш глобал, энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, унинг муҳофазаланиши энг юқори даражадаги қонунлар, хусусан, асосий қонун ҳисобланган Конституция асосида тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда табиат муҳофазаси — барчанинг маънавий бурчи саналади.

Маълумотларга мурожаат этайлик, бир гектар ўрмонзор 1 кеча-кундузда 230 килограмм карбонат ангидрид ютиб, 200 килограмм кислород ажратади.

Бир гектардаги игнабаргли дарахт бир йилда 40 тоннага яқин, япалоқ баргли дарахт эса 100 тоннагача ҳаво чангини ушлаб қолади.

Дунё бўйича (1980-1985й.) ҳайдаладиган ер майдони ҳар бир одамга ўртача 0,45-0,31 гектарга тўғри келган. Олимларнинг кузатишларича, кейинги пайтда саҳроланган (чўлланган) ҳудудлар иқлим аралашуви жараёни ҳисобига кенгайиб бормоқда. Йилига сайёрамизда 6 миллион гектар ер чўлланиш жараёнига учрамоқда, бу албатта, ташвишли ҳолатдир. Қолаверса, ерларнинг ифлосланиши бу ерларга салбий таъсир қилувчи ва уларга ёт бўлган физик, кимёвий ва биологик моддаларнинг қўшилиши натижасида содир бўлмоқда, бундай ҳолатни ўнглаш учун деҳқончилик маданиятини илмий асосда амалга ошириш талаб этилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 фоизидан кўпроғи суғориладиган ерларда етиштирилади. Шу туфайли аҳоли сонининг мунтазам ўсиб бориши билан бу ерлардан оқилона ва унумли фойдаланиш, уларни муҳофазалаш, унумдорлигини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Жумладан, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги Низомини тасдиқлаш тўғрисида"**ги қарори асосида ер мониторингини юритиш дастурида фаол қатнашиб келмоқда.

Бугунги кунда эса, аниқроғи, республикамиз Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида **"Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси"** ташкил этилган. Бу эса ер эгалари ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган амалий ёрдамнинг беқиёс ифодасига айланди.

Бундан ташқари, **"Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги ҳамда **"Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"**ги қонунлар ижросини таъминлаш, республика ҳудудидаги мавжуд, табиий ҳолда ўсувчи, тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган, ёши 100 ва ундан юқори бўлган дарахтларни алоҳида давлат муҳофазасига олиш, аҳолини эстетик-экологик руҳда тарбиялаш мақсадида, уларни рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилди.

**Гуличеҳра АБДУЛЛАЕВА**

*● Ўзбекистон ўсимликлар дунёсида ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик тури мавжуд. Уларнинг 3000 дан ортиғи ёввойи ўсувчи ўсимликлар, 9 фоизи эса эндемиклардир.*

*● Биологик объектлар (ўрмон, тоғ, яйловлар, чўл, дашту далалар)дан фаол фойдаланиш ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаёт кечириш шароитининг ёмонлашувига, уларнинг тури ва умумий сонининг камайишига олиб келди.*

*● Кейинги ўн йилликда "Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"га киритилган ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимликлар сони 163 дан 305 турга ортди.*

*● Чиқиндилар тарқатиш манбаи атрофидаги 20-30 километр масофада ўсимликлар зарарланиши, унинг ҳосилдорлиги пасайиши, дарахтларнинг қуриши эҳтимолдан холи эмас.*

*● Марказий Осиёда чўлга айланиш жараёни мавжуд. Чўлга айланиб бориш ер ландшафти биологик маҳсулдорлигининг пасайишига, ўсимлик ва ҳайвонот турларининг камайишига олиб келяпти.*

*● Ўзбекистон ҳудудидаги табиий ҳолда ўсувчи, тарихий-маданий аҳамиятга эга, ёши 100 ва ундан юқори бўлган дарахтларни алоҳида давлат муҳофазасига олиш, аҳолини эстетик-экологик руҳда тарбиялаш мақсадида, уларни рўйхатдан ўтказиш ишлари амалга оширилди. Рўйхатга олиш ишлари натижаларига кўра, республика бўйича ёши 100 ва ундан юқори бўлган, турли хилдаги жами 896 туп дарахт аниқланди. Жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимликларининг тегишли қарорлари билан рўйхатга олинган дарахтларга "табиат ёдгорлиги" мақоми берилди ва уларнинг муҳофазаси кучайтирилди.*



● Таассуф

# МОЖАРОНИНГ ПОЁНИ БОРМИ?

**Халқимизда "Олисдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзал", деган доно нақл бор. Самарқанд шаҳар, Челак кўчасида яшовчи Н.Ҳамидова ана шу ўгитга риоя қилиб кам бўлмади. Табиатан оқкўнгил, жонкуяр бу аёл ён қўшниси Эдуард Луспарьянга мунтазам равишда ғамхўрлик кўрсатарди.**

Кўп йиллардан буён ёлғиз яшаб келган кекса отахон қўшни аёлнинг меҳр-мурувватини жавобсиз қолдирмайди. 2000 йилда Э.Луспарьян умрининг охирига қадар эгалигида қолдириш шарти билан уйини Нигина Ҳамидовага 4500 АҚШ долларига сотади. Кекса отахон бу маблағни зарурат туғилганида бўлиб-бўлиб олишни маъқул топади ва Н.Ҳамидова ҳам бунга рози бўлади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, Эдуард амаки нега бундай йўл тутди? Нима учун пулни тўлиғича олишни истамади?

Гап шундаки, отахон оғир хасталикка чалинган бўлиб, вақти-вақти билан оладиган муолажаси учун катта миқдорда маблағ зарур эди. Хуллас, вазият тақозосига кўра, қўшнилар



пулни бўлиб-бўлиб беришга келишадилар. Шу тариқа 2004 йилнинг 25 майига қадар Э.Луспарьян Н.Ҳамидовадан 3500 АҚШ доллари олади (бу ҳақда унинг тилхати бор).

2004 йил 15 сентябрда Э.Луспарьян гувоҳлар ва Самарқанд шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси давлат нотариуси С.Ҳамидов иштирокида уйини Н.Ҳамидова номига расмийлаштиришга киришади. Луспарьян олди-сотди шартномасини расмийлаштириш чоғида ўзини ёмон сезади ва фуқаровий никоҳдаги рафиқаси Ленмара Мустафаевадан имзо қўйишни илтимос қилади. Афсуски, бемор бу илтимоснинг кейинчалик қадрдон қўшнисига нечоғлик қимматга тушиши, не-не асаббузарликларга сабаб бўлишини сезмаганди. Акс ҳолда... Эҳтимол, нотариус ўша кезда содир бўлган ҳолатни **"Нотариат тўғрисида"**ги Қонунда белгиланган тартибда қайд қилиб қўйганида ҳам овворагарчиликларнинг олди олинармиди?.. Нима бўлганда ҳам энди бу каби мулоҳазалардан ҳеч қандай наф йўқ. Муҳими, адолатни қарор топтириш, қолаверса, инсон ҳақ-ҳуқуқини тиклаш олий қадрият саналган. Бунинг учун икки йилдан буён турли низоларга сабаб бўлаётган мазкур уйга оид ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш кифоя.

Келинг, яна воқеалар занжирига эътибор қаратайлик. 2004 йил 17 сентябрда Э.Луспарьян ҳаётдан кўз юмади. Марҳумнинг барча маросимлари Л.Мустафаева ва Н.Ҳамидова томонидан ўтказилади.

Орадан икки йил ўтгач эса... кутилмаганда Э.Луспарьяннинг ўғли Сергей, гарчанд, Россия Федерациясида истиқомат қилса-да, отасининг уйига меросхўр сифатида даъво қилади. Шу ўринда халқимизнинг "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир", деган доно мақоли ёдга тушади. Ахир, икки йил муқаддам Н.Ҳамидова халқаро телефон тармоғи орқали Сергейга отаси вафот қилганини айтганида, у "Менинг бундай отам йўқ", дея жавоб беради. Мустақиллик маҳалласида яшовчилар ҳам Сергей 34 йил мобайнида бирон марта отасини кўришга келмаганини эътироф этишади. Бироқ... Шуниси ажабланарлики, Сергей ўзи учун аҳамиятли бўлган меросга шу даражада совуққонлик билан қарайдики, ҳатто Самарқандга келишни ҳам лозим топмайди. У Москва шаҳрида туриб, ўзи танимаган-билмаган (!) адвокат О.Мухторова номига (нотариус А.Юрова томонидан тасдиқланган) ишончнома юбориш билан кифояланади.

Шундай қилиб, унинг номидан Озода Мухторова ишончли вакил сифатида фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. 2006 йил 19 декабрда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судида судья Г.Нуримов раислигидаги суд мажлисида даъвогар О.Мухторованинг С.Луспарьянни меросхўр деб топиш тўғрисидаги даъво талаби рад этилади. Н.Ҳамидова адолат қарор топганидан мамнун бўлади. Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмайди. Орадан қарийб бир йил ўтгач, негадир Сергейнинг ишончли вакили О.Мухторова қайтадан фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига мурожаат этиб, Самарқанд шаҳар, Челак кўчасидаги 60-уйга нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, С.Луспарьянни ҳовли-жой ва мол-мулкка меросхўр деб топиш, Н.Ҳамидовани кўчириб чиқариш тўғрисида даъво қўзғайди. Таассуфки, даъвогар С.Луспарьян томонидан О.Мухторовага ишончли вакил сифатида берилган ишончнома муддати аллақачон ўтиб кетган бўлсада, судья Ж.Субханкулов негадир буни инобатга олмай, ишни кўриб чиқади. Мазкур суднинг ҳал қилув қарорига кўра, С.Луспарьян ҳовли-жой ва мол-мулкка меросхўр деб топилади. Ажабланарлиси шундаки, гарчанд ушбу хонадонда фақат Н.Ҳамидова доимий рўйхатда турса-да, унинг оила аъзолари — Р.Ҳамидова, К.Файзуллаев ва Ж.Абдуазизов бошқа турар жой бермасдан кўчирилсин, деб кўрсатилган. Буни қандай тушуниш керак? Судья Ж.Субханкуловнинг "эътиборлилигими" бу?! У ҳолда О.Мухторовага берилган ишончнома муддати ўтиб кетгани нега эътибордан четда қолди? Бинобарин, гувоҳлар Л.Мустафаева, Ф.Деушев, қолаверса Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқароларнинг тушунтириш хатлари судда нега инобатга олинмади? Бу каби англашилмовчиликлардан Н.Ҳамидова беихтиёр таажжубга тушади ҳамда қонуний ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоя қилишларини сўраб, Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат этади. Ўз навбатида адлия бошқармаси ходимлари иш ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция судлов ҳайъатига тақдимнома киритади. 2007 йил 11 декабрда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг апелляция инстанциясида Н.Ҳамидованинг шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилади.

Албатта, суднинг бу ажрими мазкур низога қонуний баҳо бергандек туюлади. Бироқ кишини бошқа нарса ўйга толдиради: қарийб 34 йил мобайнида отаси тўғрисида ҳатто эсламаган Сергей нима сабабдан аввалроқ, масалан, отаси вафот этган кезларда эмас, орадан икки йил ўтгач, меросхўрликка даъво қила бошлайди? Сергей томонидан берилган ишончнома муддати ўтган бўлса-да, ишончли вакил О.Мухторова енг шимариб унинг номидан судда иштирок этаверади. Бу соғлом фикрли ҳар қандай кишида шубҳа уйғотмайдими? Отасидан қолган ҳовли-жойга шу даражада эҳтиёжманд ўғил нима учун икки энлик ишончномани янгидан тайёрлаб, О.Мухторовага тақдим этмади экан-а?!

Умуман олганда, мазкур низоли ишга оид ҳужжатларда бу каби чалкашликларга яна кўп бор дуч келасиз...

Сўнгсўз ўрнида:

Мазкур мақола нашрга тайёрланаётган кезда Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди апелляция инстанциясининг 2007 йил 11 декабрдаги ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборилди.

Умид қиламизки, бу сафар адолат мезони бузилмайди, мазкур низо қонуний ечим топади.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

● Жиноят жазосиз қолмайди

**Инсоният пайдо бўлибдики, яхшилик ва ёмонлик, саховат ва разолат, иймон ва куфр доим ёнма-ён келган. Ҳар бир нарса ўзининг зидди орқали моҳиятини теранроқ кўрсатганидек, эҳтимол ёмонлик бўлмаганда яхшиликнинг, гуноҳ бўлмаганда савобнинг қадрини билмаган бўлардик...**

# "999-ПРОБА"



Биз таъриф бераётган ушбу икки қутб қадимқадимдан кўплаб мунозараларга мавзу бўлиб келган. Бироқ одам боласи ўз табиатидаги бундай балолардан ҳамон озод бўла олмаган.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида бир жиноий тўда кирдикорлари устидан очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди. Суднинг қора курсисидан жой олган йигитларни кўриб, очиғи, одамнинг раҳми келади. Негаки, тоғни урса талқон қиладиган, ишлайман, оиламга, отаонамга, эл-юртимга наф келтираман, келажагимни тиклайман, деган ёшда ўз келажакларига ўзлари қора чизиқ тортиб ўтиришибди. Ўз нафсининг қулига айланган, қалби ношукурлик ўтида жизғанак бўлаётган одамларнинг табиати халқ тили билан айтганда, оғирнинг остидан, енгилнинг устидан ўтиб яшашга мойил бўлади. Яъни, меҳнат қилмасдан бир пасда катта бойликка эга бўлиш, роҳат-фароғатда енгил кун кўриш уларнинг муддаоси. Энг ёмони, бундай кимсалар мўмай даромад орттириш илинжида минглаб одамлар соғлиғи, оилалар тинчлиги, эртага туғиладиган гўдаклар саломатлигини ўйлаб ҳам ўтиришмайди. Балки оқибатини била туриб, уларнинг тинчлиги ва саломатлигига тажовуз қилишади.

Бўлиб ўтган суд мажлисида уюшган жиноий тўданинг қора қилмиши кўриб чиқилди. Суд мажлисида маълум бўлишича, ушбу жиноий тўда гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланган. Энг ачинарли томони шундаки, тўда вакилларининг аксарияти ҳали ўттизга ҳам кирмаган ёш йигитлар.

Ҳалим Нажмиддинов тўдани ташкил этиш ташаббускорларидан бири деб талқин этилаётган шахс. Қизиқ, эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаган ёшгина йигитчани бундай қабиҳ йўлга киришга нима мажбур қилди?

У пойтахтдаги коллежлардан бирида ҳуқуқшунослик соҳасини битирган, кейинчалик ҳуқуқ-тартибот муассасаларида кичикроқ бир вазифада ишлар, Тошкент Давлат аграр университетининг иқтисодиёт факультетида таҳсил оларди. Шундай йигитни героин олди-сотдиси билан шуғулланиш оғир жиноят эканини билмайди, деб айтиш мумкинми? Йўқ, у буни биларди. Билса-да, қалбидаги енгил даромад топишга бўлган мойиллик устун келди.

Келинг, Ҳалим ва шерикларининг бу кўчага қандай кириб қолгани ҳақида қисқача тўхталайлик. Ҳалим ўзига тўқ оилада униб-ўсди. Отасининг Пскентдаги фермер хўжалиги ва ғишт заводидан келадиган даромади бир оилага етиб ортарди. Шунинг учун Ҳалим бошқа тенгдошларига қараганда яхши кийиб, яхши еди, катта пулга ҳам ўрганди. Тошкентда ўқиб, ишга жойлашгач, табиийки, отаси ўғлим мустақил ҳаётга ҳам ўргансин, деган ўйда Ҳалимни озроқ пулдан сиқди. Отанинг бундай йўл тутишининг бошқа сабаблари ҳам бор эди. Яъни, Ҳалим йигирма бир ёшга тўлиб-тўлмай уйланиб, ажрашишга ҳам улгурганди... Хуллас, у катта шаҳарда ойликка қараб кун кўриш қийин эканини тушунади ва қалбини қандай бўлмасин, мўмай даромад орттириш истаги эгаллайди. Шу илинжда у 2006 йилнинг сўнгги кунларида Пскентга келади. Пскентда дўконда сотувчи бўлиб ишлайдиган ўртоғи Шерзод Абдумажиевга учраб, ўйлаган режасини айтади. Ва ундан илгари шу дўконда бир-икки бор кўриб суҳбатлашган, гиёҳванд модда олди-сотдиси билан шуғуллангани боис муқаддам озодликдан маҳрум этилган Ҳасан Мавлянов билан таништириб қўйишни илтимос қилади. Шерзод ўртоғининг қандай йўлга қадам қўяётганлигини фаҳмлаб, уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлади. Бироқ нафс кўзини кўр қилиб қўйган Ҳалим сўзида қаттиқ туриб олади ва Шерзоддан Ҳасан Мавляновнинг ишончини қозониш учун икки килограмм гиёҳвандлик воситасини 25 минг долларга сотиб оладиган харидор борлигини айтишни илтимос қилади. Шерзод бу гапни Ҳасанга етказади. Ҳасан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади дегандек, бу ишга шубҳа билан қараса-да, розилик билдиради. Буни билган Ҳалим энди тезроқ Ҳасан билан учрашиш ҳаракатига тушади. Орадан кўп ўтмай, Шерзод билан бирга Бекободга Ҳасаннинг уйига йўл олади. Бироқ улар ўша куни Ҳасанни уйидан топа олмай, эшигига хат қистириб қайтишади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб Ҳасандан дарак бўлавермагач, Ҳалим яна Ҳасанникига боришга аҳд қилади. Тасодифни қарангки, бу гал ҳам Ҳасан уйида йўқ эди. Шунда Ҳалим яна хат ёзиб унда ўзининг Тошкентдаги телефон рақамини қолдиради. Хуллас, улар телефонда гаплашиб, учрашишни келишиб олишади. Учрашув жойи этиб Бекобод туманидаги "Зафар" қўрғони белгиланади.

Энди суднинг қора курсисидан жой олган учинчи йигит Олимжон Акрамов хусусида тўхталсак: Олимжон 1983 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Бекобод туманида яшайди, тайинли бир жойда ишламаган. Марҳум отасига тегишли бўлган "Жигули" машинасида Бекобод атрофида киракашлик қилиб кун кечириб келган.

Таксига ҳар хил одам чиқади. Киракашнинг иши мижознинг кўнглига йўл топиб кўпроқ пул ундириш. Олимжон ҳам бу ишнинг анча ҳадисини олган эди. Машинасига ким чиқса дарров киришиб кетар, йўловчида худди эски қадрдонлардек таассурот қолдирарди.

Бир куни машинасига бир киши ўтириб, Тожикистон чегараси постигача элтиб қўйишни илтимос қилди. Ўзини Ҳусайин, деб таништирган одам билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб тушундики, Ҳусайин героин моддаси олди-сотдиси билан шуғулланар экан. Суҳбат орасида у хоҳласа бирга "тирикчилик" қилиши мумкинлигиниям қистириб, унга телефон рақамларини қолдиради. Буни қарангки, Ҳусайин алдамаган экан. Чунки Олимжон тошкентлик таниши К.Нишоновга икки марта Ҳусайин орқали героиннинг ҳар бир "чеки"ни 15 минг сўмдан олиб пуллайди. Пулнинг 12 минг сўмини Ҳусайинга бериб, 3 мингини ўзи олиб қолади. Шундай қилиб, Олимжон икки марта арзимаган олинг-беринг орқали олти минг сўм ишлаб олади. Ишнинг бу даражада силлиқ ва сердаромад экани унинг хаёлини ўғирлаб, уйқусини қочиради. У бўлиб ўтган воқеалар ҳақида уйдагиларга билдирмайди. Бироқ узоқроқ қариндоши илгари шунақа иш билан шуғулланиб "ўтириб" чиққан Ҳасан Мавляновга гапнинг учини чиқариб, дурустроқ "клиент" топишда ёрдам беришини сўрайди.

Энди ҳикоямиздан бир оз орқага қайтсак. Ҳасан ва Ҳалим телефонда гаплашиб олгач, келишилганидек, "Зафар" қўрғонида учрашишади. Учрашувда Ҳалим ўзининг режасини Ҳасанга тушунтиради. Кўпни кўриб, бу ишларда суяги қотган Ҳасан узоқ ўйланади ва бир-икки кун муҳлат сўраб, хайрлашади. Бекободга йўл олади-да, у ерда Олимжонга учрашиб, катта миқдордаги "героин"га харидор борлигини баён қилади. Бу хабарни эшитиб, айнан шу масалада боши қотиб юрган Олимжоннинг бошига бахт қуши қўнгандай бўлади ва Ҳасанга тожикистонлик таниши Ҳусайин билан гаплашиб, эртага жавоб айтишини билдиради. Ва ўша куннинг ўзидаёқ Ҳусайин билан гаплашиб, "масала"ни осонгина ечиш мумкинлигини билиб Ҳасанга қўнғироқ қилади. Ҳасан Мавлянов эса ўз навбатида Ҳалим Нажмиддиновга қўнғироқ қилиб сотувчи нақдлигини хабар қилади. Шундай қилиб, Ҳалимтойнинг елкасидаги юк ағдарилгандай бўлди. Чунки мол тайёр, энди фақат харидор топса бўлди. Жарақ-жарақ доллар қўлида ўйнайди. Бироқ бу иш хийла қалтис бўлгани учун "мижоз" топиш Ҳалимга осон бўлмади. Орага яна Ҳалимнинг ўртоғи Шерзод тушди. Ҳалим ундан энди "мол"ни оладиган харидор топиб беришни илтимос қилди. Шерзод уни Мурод билан таништиришини, лекин ўзи бу ишларга аралашмаслигини билдиради. Ҳалим рози бўлади. Шундай қилиб, Ҳалим Мурод Ҳошимов билан Пскентда учрашади. Учрашувда Мурод қозоғистонлик "клиент"лари борлигини айтиб, икки килограмм героинни бемалол уларга ўтказишга ваъда беради. Фақат олдин "мол"нинг сифатини билиши керак, бунинг учун героин "чеки" керак, дейди у. Бунга рози бўлган Ҳалим Ҳасан Мавлянов билан боғланиб, молнинг сифати ва текшириб кўриш учун намуна сўрайди. Ҳасан унга бир "чек" героин беради ва бу "мол" энг юқори навли — Покистонда қадоқланган "999" рақамли героин, дейди. Ҳалим ушбу хабар ва қўлидаги намунани Муродга етказади. Мурод намуна учун келтирилган героинни ўз усулида синаб кўриб, "мол" ҳақиқатан ҳам "999" рақамли героин эканини тасдиқлайди. Энди ўртада нарх муаммоси кўндаланг бўлади. Ҳусайин Олимжонга бу молнинг ҳар бир килоси учун 9000 доллардан бериши мумкинлигини айтади. Олимжон эса Ҳасан Мавлянов ва Ҳалим Нажмиддиновларга героиннинг ҳар килосини 13 минг 500 доллар деб айтади. Ҳалим героин баҳосини 12 минг долларга туширишни илтимос қилади. Узоқ тортишувлардан сўнг Олимжон бунга рози бўлади. Ҳалим энди Мурод Ҳошимов билан боғланиб, "мол"нинг нархини ва олди-берди қиладиган жойни келишади. Келишувга кўра, олди-берди учун Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳридаги автобуслар шоҳбекати танланади. Иш пишганидан хурсанд бўлган Ҳалим ва Ҳасан энди Бекободда учрашадилар. Мақсад — Олимжон Акрамовдан "мол"ни олиш эди. Аммо Олимжон билан учрашгач, масала бироз чигаллашади. Негаки, "мол"ни олиш учун Ҳалимда ҳам, Ҳасанда ҳам нақд пул йўқ эди. Олимжон эса нақд пулсиз "мол"ни бермас эди. Шунда Ҳалимтой пул эвазига ўзининг "Нексия-Донс" русумли автомашинасини гаровга қолдиришга Олимжонни кўндиради. Ўша куни Олимжон Ҳусайин билан боғланиб, масалани унга баён қилади ва икки мамлакат ҳудудини кесиб ўтувчи канал ёнида учрашади...

"Мол"ни қўлга киритгач, Ҳусайинга пулни эртага кечгача етказаман, дея хайрлашиб, Ҳасан ва Ҳалимларнинг олдига шошади. Сўнг келишилганидек, Ҳалимдан автомашинанинг ҳужжатлари ва калитини олиб қолади-да, героинни Ҳалимга беради. Айни пайтда Ҳалим Пскентда унинг қўнғироғини кутиб ўтирган Мурод Ҳошимов билан боғланади. Мурод "мол" қўлга текканини билгач, Ҳалимга белгиланган жой — Тўйтепага қараб йўлга чиқишни буюради ва ўзи ҳам ўша куни Тўйтепага етиб боради. Лекин "харидор"лардан дарак бўлмайди. Бундан аччиқланган Мурод Ҳошимов телефонда кимлар биландир боғланиб, узоқ тортишади. Охири маълум бўладики, "харидор"лар Ўзбекистон чегарасидан ўта олишмаган. Улар эртаси кун етиб келиб, Тошкент шаҳридаги Фарҳод бозори ёнида учрашишади. Воқеадан кўнгли бузилган Ҳалим шерикларини хабардор қилиш учун Бекободга қўнғироқ қилади. Уларни кутиб ўтирган Олимжон ва Ҳасанга вазиятни тушунтиради. Ўша куни кеч оралаганда икковлон шаҳарга кириб келишади. Тунни Ҳалимнинг Искандар деган танишиникида ўтказиб, эртаси куни эрталаб соат 10.00 да Чилонзордаги "Фарҳод" ресторани ёнида қозоғистонлик "мижоз"ни кутиб ўтирганларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари томонидан қўлга олинадилар.

750 грамм "999" рақамли "олий нав" героин эса тинтув чоғида Ҳалимнинг қўйнидан чиқади. Шу тариқа, бировларнинг ҳаётини заҳарлаш эвазига бойимоқчи бўлган шоввозларнинг пайи қирқилади. Ана шундай кимсаларни кўрганда, улар ҳақида эшитганда, одамни бир нарса ҳайратга солади. Ҳалим ҳуқуқ соҳасидан хабардор эди. Қолаверса, Ҳасан Мавлянов ва Мурод Ҳошимовлар худди шундай ишлари учун муқаддам судланиб жазо муддатини ўтаб чиқишганди...

Улар бундай йўлнинг охири тубсиз жарлик эканини билишар эдику! Бу ишга қўл уришга нима мажбур қилди?

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ушбу иш бўйича ўз ҳукмини эълон қилди. Унга биноан, жиноятчилар айбларига яраша 12 йилдан 16 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

**Илҳом ЎЛМАСОВ**

Манба: region.uz


## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежи Маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари бўш лавозими учун танлов эълон қилади.**

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касб таълим) ёхуд таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистрлар ва дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли 2-Тошкент юридик коллежига тақдим этилади.

**Аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:**

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлар ҳақидаги ҳужжатнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат;
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг бўлажак фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепцияси).

**Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.**

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Чилонзор-8, Лутфий кўчаси, 47-уй, 2-Тошкент юридик коллежи биноси.
тел: 273-85-92, 278-78-82

## ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги **«Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 38-сон қарорига асосан, бошқа шахсга берилиши тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситаларининг электрон маълумотлар базасини яратиш бўйича **«Техник топшириқ»** ва **«Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб»**ни ишлаб чиқиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги энг яхши танлов таклифларини қабул қилишини эълон қилади.**

**Таклифлар 2008 йилнинг 1 майигача қабул қилинади.**

**Манзил:** Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси 5-уй.

**Мурожаат учун телефонлар:**
(371) 236-17-33, 233-73-11.
**e-mail:** info@minjust.gov.uz
**веб-саҳифа:** www.minjust.uz

TURON BANK

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2006 йил 1 январда Тошкент вилояти Зангиота туман 3-сон давлат нотариал идора нотариуси Дилобар Хуршидовна Абдураззоқова номига берилган 104-рақамли хизмат гувоҳномаси ва Зангиота туман 3-сон давлат нотариал идора гербли муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинсин.**



ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Маматов Шоди Суюнович, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергинович, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-315. Тиражи — 12988. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99.
1 2 3 4 6 7 8